

КТ 00030/2 -сонли шартнома

«Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

26.07.2022 й.

Ушбу шартнома «Навойи сув таъминоти» МЧЖ, Кармана туман бўлими, кейинги ўришларда «Таъминотчи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи _____ А.Худойкулов _____ (Ф.И.О.)

шахсида, бир томондан ва кейинги ўришларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи _____ Кармана туман тиббиёт бирлашмаси _____ низом _____ асосида иш олиб боровчи директор _____ Б.Я.Базаров _____ (Ф.И.О.)

иккинчи томондан, қуйидагилар ҳақида тузилди:

I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан буён матида II гуруҳ «Истеъмолчи» лари деб юритилди) учун сув етказиш _____ 8675 _____ нарх бўйича _____ 60 _____ м³ни;
1 м³ ичимлик сув учун _____ 7500 _____ сўм (+КҚС 15%), + _____ 1125 _____ сўм (махсус устама ҳақ)ни;
1 м³ оқова сув учун _____ _____ сўм (+КҚС 15%), + _____ _____ сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда.
Шу тарих шартноманинг умумий қиймати _____ 520500 _____ сўми ташкил қилди (сумма ётув билан) Беш қўз йигирма минг беш юз сум
Шу жумладан, бюджет маблағларидан _____ 520500 _____ сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан _____ _____ сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўлашни кўзда тутилган.

II гуруҳ истеъмолчилари Қондаларда белгиланган тарзда «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ғазначилиги орқали сув таъминоти ва оқова суви шикариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва «Истеъмолчи»дан оқова сувларини қабул қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларини ҳар ойнинг 10 санасигача 100 фоизлик олдидан ҳақ тўлаш тарихида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова суви шикариш хизматлари кўрсатиш Қондалари»га (кейинчалик матида – Қондалар деб юритилди), ҳамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланган махсус устама ҳақи 1 м³ ичимлик сув учун _____ сўм, 1 м³ оқова сув хизмати учун _____ сўм билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим қилинган ичимлик ва оқова сув таъминоти улашиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

II. Умумий қондалар

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» ташкилоти рухсати билан ва у техника имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасарруфидоғи ичимлик ва оқова сув тармоқларига, ишоот ва қурилмаларга субистеъмолчиларнинг улашишига рухсат бериш ҳуқуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Таъминотчи» ташкилоти томонидан кўриб чиқилади.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланган субистеъмолчи турли гуруҳ ва тоифали истеъмолчиларига мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартномани «Истеъмолчи» ҳам, субистеъмолчи ҳам тўлади ва суви ҳисобга олиш приборини ўрнатиш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-дарахтларини сугориш учун фойдаланилишига қўйиладиган истисно ҳолатларда йўл қўйилади: ирригация суви бўлмаганда, таъминотчи ташкилоти қуввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, фақат тунги вақтда (соат 00-00 дан соат 05-00 гача) йўл қўйилади.

2.5. Ичимлик ва оқова сув хизматида истеъмолчи ҳужалик-истеъмол, манший эҳтиёж ва ёнгишларни ўчириш ҳамда технология ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Суви ҳисобга олиш приборлари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбланади, ҳамда «Таъминотчи» томонидан пломбланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувини ҳисобга олиш приборини ечиш, қаблашдан ўтказиш ва ўрнатиш қонунчилида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.7. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказишнинг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектининг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ҳамда «Истеъмолчи» билан келишилади. Ҳисоблаш прибори учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» ходими сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қондаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳужалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш приборларини ишга тушириш, ҳисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеъмолчиларнинг улашиши «Истеъмолчи» томонидан фақат «Таъминотчи» тарафидан тасдиқланган техника шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техника шартлар асосида, «Истеъмолчи» буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қондалар ва бошқа меъерий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тарифлар ва устама ҳақ миқдори ўзгарган санасидан қатъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузилган шартнома ўз қўбини сақлаб қолади ва «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларини амалга ошириши шарт.

2.11. Қўйиндигилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истеъмолчи»лар шу жумладан, ҳуусий уй-жой мулкдорлари шirkатлари ўртасидаги, ичимлик ва оқова сув хизматлари тармоқлари, ишоотлари ҳамда қурилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техника ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) ичимлик сув истеъмоли учун — тармоққа улашишини узиб қўйувчи кириш қулфи. Кириш қулфи билан ичимлик суви улашиш, «Истеъмолчи»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) оқова хизмати учун — «Истеъмолчи» оқова тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал оқова тармоғига улашиш нуқтасидаги чиқарув қудуги. Агар чиқарувчи оқова қудуги (камераси) магистрал оқова тармоғида жойлашган бўлса, ушбу қудуқ «Таъминотчи» ташкилоти оқова тармоғининг бир қисми ҳисобланиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса «Истеъмолчи»нинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

III. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқлари:

3.1.1. Тегинли сифат даражасидаги ичимлик сув ва оқова сув тармоқларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор қилиш тўғрисида, унинг бекор қилинишидан камда 15 кун олдин огоҳлантирган ҳолда ва ушбу муддатда сув таъминоти ёки оқова суви шикариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлик амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш;

3.1.3. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вакили орқали бепул олиш;

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва оқова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари кўрсатилаётганлиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлик ва камчиликларни бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

3.2. «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Оқова тармоғида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини сув босишдан сақлайдиган барча ўчирувчи қурилмаларнинг бут сақланганлиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;

3.2.2. Истеъмолчига қарашли санитария асбоблари, оқова тармоқлари, ишпоот ва қурилмаларда тамбанинг йўқлиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истеъмолчининг оқова тармоқларида ёки «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик сув ва оқованинг ташқи тармоқларида авария (тиклиб қилиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла-хоналарини сув босиш оқибатида етказилган зарарни қоплаш;

3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувни ҳисобга олиш прибори, айланма линия тулфини, ёнгини тулфини, гидрантлар ва унинг ҳудудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув қурилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва сақлиш;

3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва оқова сув тармоқлари, ишпоотлари ва қурилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун қонунийликда белгиланган тартибда жавобгарлик;

3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнгинга қарши тизимидан фойдаланиш тўхтатишганда «Истеъмолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига плomba узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этилиш ва тулфини пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини чақиртириш;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ишбу кўрсаткичларни «Таъминотчи» га кечикмаган ҳолда тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш.

3.3. «Таъминотчи»нинг ҳуқуқлари:

3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истеъмолчинин 7 кун аввал ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда, куйидаги ҳолатларда сувни узатиш ва оқова сувларини қабул қилишни тўлиқ ва қисман тўхтатиши мумкин:

а) «Истеъмолчи»га тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилма ва ишпоотларнинг техник ҳолати кўнрақсиз бўлганда ва «Таъминотчи» ташкилоти вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истеъмолчи томонидан бажарилмаганда;

б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истеъмолчининг сувни ҳисобга олиш узели, ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмалари ва ишпоотларини назорат қилиш ҳамда сувни ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларини қайд этиш, пломбаларни ўрнатиш мақсадида кўздан кечириш, белгиланган лимитдан кўп сарф қилинганда сув беришни мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда истеъмолчи томонидан асоссиз равишда киритилмаганда;

в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истеъмолчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоқлари, қурилмаларида режали-огоҳлантириш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истеъмолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истеъмолчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармоқларига субабонентларнинг ўзбошимчилик билан улангани аниқланганда;

д) «Истеъмолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳақ тўланмаганда;

е) «Истеъмолчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоқларига, қурилмаларига «Таъминотчи» ташкилотидан уланган учун белгиланган тартибда рухсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибда уланishi рад этилганда;

ё) «Истеъмолчи» томонидан шартнома шартлари бажарилмаганда ва у оқитилаётган оқова сувлар миқдори ва таркиби бўйича шартларга риоя қилмаганда.

3.3.9. «Таъминотчи» ташкилоти куйидаги ҳолатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатишни тўлиқ ёки қисман тўхтатишга ҳақли:

а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатишганда;

б) Табиий офатлар рўй берганда;

в) Авария ҳолатларида;

г) Ёнгин чиққан жойларга сув узатишни кўпайтиришга зарурат туғилганда.

3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:

3.4.1. Сув таъминоти ва оқова сувни чиқариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;

3.4.2. Ичимлик ва оқова сув тармоқларининг техник ҳолатини мунтазам равишда назорат қилиб бориш;

3.4.3. Тармоқдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

3.4.4. Истеъмолчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва оқова тармоқлари, ишпоотлари ҳамда қурилмаларининг ҳолатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишда назорат қилиб бориш, улардан самарали фойдаланишни ташкиллаштиришда истеъмолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

3.4.5. Истеъмолчилар томонидан сувни беҳуда сарфининг олиндиғи олиш, сансоат қорхоналари ва уларга тенглаштирилган қорхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя қилинаётганини мунтазам равишда назорат қилиш;

3.4.6. Сув истеъмоли белгиланган меъёр (лимит)лардан ортиб кетган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилотларига белгиланган тарифларга нисбатан орттирилувчи 10,0 коэффициентини қўллаш;

3.4.7. Оқова сув тизимига оқитилаётган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартнома шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолатларда истеъмолчига пеня ҳисоблаш;

3.4.9. Истеъмолчиларнинг шартнома шартларига риоя этилмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиш;

3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, қарзларнинг йўқлиги ҳақидаги маълумотларни истеъмолчиларга бепул тақдим этиш;

3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидаги ўзгаришлар ҳақида улар амалда жорий қилинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари ёрдамида истеъмолчиларни хабардор қилиш;

3.4.12. Ичимлик ва оқова сув хизматларини кўрсатишда рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиш ва узилишлар ҳақида истеъмолчилар узилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огоҳлантириш.

IV. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. «Таъминотчи» ишбу шартномага мувофиқ мажбуриятларини бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда келиб чиққан зарарини, «Истеъмолчи» эса етказилган ҳақиқий зарар ўрнини қоплаш шарт.

4.2. «Истеъмолчи» куйидагилар учун жавобгардир:

а) Ичимлик сувни ҳисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланмиш чизинги жўмраги, гидрант ва бошқа сув узатиш мосламаларидаги қисмларнинг ҳудудида ва тасарруфида бўлган пломбаланган ҳисоблаш қурилмаларининг бутун сақланиши учун;

б) Сув тармоқларига ўз бошимча улашиб олиш, совуқ сувни ҳисобга олиш қурилмаларининг касддан бузилишига йўл қўйиш ҳамда сув ҳисоблаш приборларидаги кўрсаткичларини ташқиридан аралашган ҳолатлари учун;

в) Ўзбошимчилик билан қурилган ишпоотлар сабабли тармоқлардаги авариялар бўлган ҳолатларда;

г) Дренаж тизими мавжуд бўлса «Истеъмолчи» ҳудудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган қор сувларининг тушишига йўл қўймастик. Ушбу қондабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» ўрнатиш тартибда далолатнома тузади ва ишбу далолатнома «Истеъмолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик қорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат қилади;

д) Қонунийликда ўрнатишган бошқа ҳолларда.

4.3. «Таъминотчи» куйидаги ҳолларда жавобгардир:

а) Амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқ ва қонунийликда кўзда тутилган бошқа ҳолларда;

б) «Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларни ўз вақтида ва ишончли тақдим қилиниши учун;

в) «Истеъмолчи»нинг ҳаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун қонунийликда ўрнатишган тартиб ва миқдорда қоплаш;

г) Шартнома шартлари ва юқлатилган мажбуриятларини бажармаслик.

V. Сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун ҳисоблар ва тўловларнинг тартиби

5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чиқарилган (қабул қилинган) сувнинг ҳисоби ҳисоблаш прибори мавжуд бўлганда, ҳисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофиқ амалдаги тарифлар бўйича ККСНи ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

5.2. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охириги уч ойнинг ўртача сарфи бўйича кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдидан ҳақ тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3. Тўловнинг шартномада белгилангандан кечиктирилган ҳар бир куни учун истеъмолчи 0,4 фоиз пеня тўлайди. Аммо бу кўрсаткич жами кечиктирилган сумманинг 50 фоиздан ошмаслиги лозим.

5.4. «Истеъмолчи» кейинги ой учун ҳар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдидан ҳақ тўловларини амалга оширмасалар, истеъмолчиларни ёзма равишда хабардор қилган лайдтан бошлаб беш иш куни ўтгандан кейин қараларини қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларини ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундиритиш чораларини қўради.

Бундай ҳолларда ёнғиндан сақланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узиб қўйилган ҳолларда қайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 (ун) баробари миқдоридан тўлов қайта улашни амалга оширган ташкилот ҳисобига маблағларини ўтказиш орқали ундирилади.

5.5. Оқова тизимига келиб тушувчи оқова сувининг миқдори, ичимлик сув тармоғидан етказиб бериладиган ичимлик сув миқдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган ҳолларда, истеъмол қилинувчи ичимлик сув миқдорига оқова сув тармоқлари ҳисоби учун 2,0 коэффициентни қўлланилади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг қурилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг миқдори ушбу сув қурилмаларининг мақсуддорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган ҳисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) қўлайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автоном манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автоном сув таъминоти (қудук, очик сув олиш ҳавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун махсус табиий сув объектларидан махсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун рухсатномани қўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автоном манбани (артезиан скважинаси, қудук, очик сув ҳавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимига оқова сувларни оқизиш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш қуввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган ҳисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автоном сув таъминоти манбанининг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд қараларини тўлаб, бу ҳақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетган суви ҳисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қардорлик учун жавобгарлик объектнинг янги эгаси зиммасига юкланади.

6.2. Етказиб берилган ёки қабул қилинган ичимлик суви ҳажми қувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари ҳисобидан қуйдаги формула асосида ҳисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g \times H} \times I$$

бунда: M – 0,60га тенг бўлган сулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

F – суюқлик оқиб ўтаётган қувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) m^2 ;

g – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

H – сувнинг метрлардаги босими;

I – вақт- 24 соат, секундларда.

Қуйдаги ҳолатларда юқоридаги формула асосида ҳисобланади:

6.2.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланганда;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиққан, синган, бузилган ҳолатда, сарфланган сув ҳажми сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача ҳисобланади;

6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўғинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қондирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув ўлчаш приборининг ҳисоб-китобини олиб бориш бўғинидаги қўйилган ҳимоя қопламасига (пломбага) рухсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.3. Ичимлик ва оқова сув тизимларига (жумладан ёнғиндан сақланиш гидрант ва қувурларига) ўзбошимчалик билан улашиб олинган ва фойдаланилган ҳолатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилади ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан улашиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санаасидан ўзбошимчалик билан улашиб олинган кун санасигага ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан улашиб олишга қадар ҳисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан улашиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансидаги тармоқларга улашиб содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиш, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатга берилди. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойҳалаштириш ва қуришни бошлаш учун) лойиха муддатини чўздирishi ёки янги техник шартларни одиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган ҳолда ёки муддати ўтган ҳолда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини яқунлашга асос бўлади.

6.5. «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова суви тармоқларига улашиб санаси ҳақидаги ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолатларда «Таъминотчи» томонидан ҳоким қарори ва кадастр ҳужжатлари ҳамда шу қабилар асосида ҳужжат билан таъдиқланган улашиб санаси бўйича ҳисоб-китоб қилишга ҳақлидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва қабул қилинган оқова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан 3 кунлик муддат ичида акцентсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пеня ёзди ва унинг умумий қиймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Оқова тизимига рухсат этилмаган ёмғир ва эркин қор сувлари оқизиётган, ишлаб чиқариш оқова сувларини «Истеъмолчи»лар томонидан ташлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунинда қабул қилинган 11 сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари» ҳамда ифлослантитувчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар ортирилувчи коэффициент миқдор тартибда ҳисобланади.

6.8. Оқова суви чиқариш юборишнинг ҳажми ва таркиби бўйича мезърлар билан белгиланган оқизишнинг йўл қўйилмаган чекланган миқдоридан ортиқча оқова сувлар ва ифлослантитувчи моддаларнинг чиқариш тақиқланади.

6.9. Ифлослантитувчи моддаларини нормативдан ортиқча оқизганлик учун компенсация тўловларини ҳисоблаб ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 октябрдаги «Табиатни муҳофаза қилишни таъминлашнинг иктисодий механизмларини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 820-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш оқова сувларини қабул қилиш қондалари ҳамда ифлослантитувчи моддаларининг Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг оқова тармоқларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини ҳисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор қардорлик тўланмаган тақдирда «Истеъмолчи» оқова тармоқларидан узиб қўйилади.

6.11. Ҳисоб-китобнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобига олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва ҳужжатига кўрсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан олод қилмайди.

VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

- 7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.
Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ суд органларида кўриб чиқилади.
7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан ишю келиб чиққан тақдирда Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VIII. Форс – мажор

- 8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа энгиз бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
Маъкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш мудлати энгиз бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.
8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.
8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

- 9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сакланади.
9.2 Шартнома газначилик бўлинималарида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

X. Тарафларнинг юридик манзили:

«ТАЪМИНОТЧИ»

«Навоий суя таъминоти» МЧЖ

Кармана туман бўлими

Манзил Кармана тумани

Тошкент вилояти

Телефон 33911111

Банк «Ўзбекистон Ипотека Банки»

МФН 0020314111310034534

ИДН 2263800701549322067

Р/ҳ/бар _____

М.У. _____

« _____ 2022 й.

_____ Худойкулов _____

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Кармана туман тиббиёт бирлашмаси

Манзил _____ Тошкент кучаси 28А уй _____

Тел: 532 44 86 _____, факс 532 44 86 _____

газ/х-р 23402000300100001010 _____

Банк _____ Марказий банк Тошкент шаҳар _____

Банк коди 00014 _____ СТИР 201122919 _____

ХХТУТ 91511 _____

Шахсий рақам 100022860122347072110054001 _____

Шахсий х-р _____

Банк _____ Марказий банк _____

Банк коди 00014 _____ СТИР 200035250 _____

Кармана туман Газначилиги

Р/ҳ/бар _____

М.У. _____

« _____ 2022 й.

_____ Б.Я.Базаров _____

_____ (Ф.И.О. имзо)

